


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ



"Фуқаролик ҳуқуқи" кафедраси

КУРС ИШИ

Мавзу: Ҳисоб чеклари воситасида ҳисоб-китоб қилиш

Бажарди: 3-ҳуқуқ Б-поток
Ражабов Азамат

ТОШКЕНТ – 2011

РЕЖА:

1.КИРИШ

2.Чеклар билан ҳисоб китоб қилиш тўғрисида умумий қоидалар

3.Чеклар тушунчаси ва моҳияти

4.Чек бўйича тўлов мажбуриятлари

5.Чек бўйича пул тўламаслик оқибатлари

6.Хулоса

7.Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

КИРИШ

Республикаимиз иқтисодтётини ислоҳ қилиш ва бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг устивор йўналишларидан бири мамлакат иқтисодий ҳаётини эркинлаштиришдир.

«Мен оддий бир ҳақиқатни барча тушуниб олишини истайман: эркинлаштириш ва ислоҳотлари чуқурлаштириш – бу бизнинг олға интилишимизнинг кафолати ва асоси, у нафақат иқтисодий балки, ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий вазифаларни ҳал қилишнинг асосий шартидир»¹.

Ушбу ислоҳотларни амалга оширишнинг йўналишларидан бири тўлов механизмини такомиллаштириш, миллий валюта қадрини мустаҳкамлаш, муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини тугатиш, бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлашдан иборатдир.

«Шунинг учун ҳам банк, молия, кредит тизимларини такомиллаштириш, уларни жаҳон талабларига кўтариш, тўловларни тартибга солиш борасидаги ислоҳотлар бугунги босқичда муҳим ўринни олиши даркор»².

Ҳозирги кунда ҳисоб – китоб тизимини такомиллаштириш, жаҳон андозалари даражасига кўтариш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб турибди. Чунки, бу хўжалик шартномаларининг лозим даражада бажарилиши, солиқлар ва мажбурий тўловлар ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг келиб чиқмаслиги учун хизмат қилади.

1 И.А.Каримов «Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон саёт-пировард маесадиимиз». Тошкент, «Ўзбекистон» 2000 й., 53-бет.

2 И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиёболнинг асосий тамойиллари» Тошкент, Ўзбекистон.1995 йил, 41-бет

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ҳисоб-китоб тизимини тубдан ислоҳ қилиш чоралари кўрилди ва унинг ҳуқуқий негизи тубдан янгиланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31 декабр 1993 йил кунги 614-сонли «Халқ хўжалигида ўзаро ҳисоб-китобларни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан 31 феврал 1994 йилдан бошлаб инкассо бўйича ҳисоб-китоб қилишнинг янги шакли сифатида тўлов талабномалари жорий этилди. Янги Фуқаролик кодекси қабул қилинди.

Ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилиши, дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг юзага келмаслиги учун корхона ва ташкилотлар раҳбарлари билан биргаликда кредит муассасалари раҳбарларининг ҳам жавобгарлиги оширилди.

«Мамлакатимизда ўтказилаётган нафақат иқтисодий, балки ижтимоий соҳалардаги ҳам кўзланган асосий мақсад, барча ўзгаришларнинг натижаси ва белгиси миллий валютаимиз-сўмимизни мустаҳкамлаш, уни босқичма-босқич жаҳоннинг кучли валюталари билан конвертациялашга, яъни эркин алмашинувига эришишдир. ... миллий валютаимиз мустаҳкам бўлсагина давлатимиз қудратли, обрўли, ҳаётимиз фаровон бўлади!»³⁴.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг реализация қилиниши ҳам ҳисоб – китоб тизимининг бозор иқтисодиёти талаблари даражасида бўлишлигига ва тўловлар эркин амалга оширилишини таъминлашга боғлиқдир.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ҳисоб-китоб тизимини такомиллаштириш, бунда хўжалик юритувчи субъектларга кенгроқ имкониятлар бериш, нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизимини ҳуқуқий

³ И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истисеболининг асосий тамойиллари» Тошкент, Ўзбекистон». 1995 йил, 41-бет.

тартибга солиш – ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

2.Чеклар билан ҳисоб китоб қилиш тўғрисида умумий қоидалар

Чек – бу ҳисоб-китобнинг ўзига хос шаклидир. Бу унинг қимматли қоғоз эканлиги билан боғлиқ. Қимматли қоғоз сифатида чек берувчининг чекда кўрсатилган суммани чек сақловчига тўлаш ҳақида банкка ҳеч қандай шарт қўймаган топшириғидан иборат. (ФК нинг 807-моддаси).

Жамиятда товар-пул муносабатлари қарор топиши билан кишилар ўз меҳнатлари маҳсулини бошқа кишилар ишлаб чиқарган товарларга алиштирмай қўйдилар. Балки, улар эндиликда ўз маҳсулотларини муайян қийматга эга бўлган маҳсус товар-«пул»га алиштира бошлашди ва шу ўринда ўз эҳтиёжлари учун зарур бўлган товарларни ҳам пулга сотиб ола бошладилар. Кишилар ўртасидаги бундай ўзига хос ижтимоий муносабат асрлар давомида шаклланиб "ҳисоб - китоб" деб номланувчи ўзига хос ҳуқуқий-иқтисодий муносабатлар тизимини юзага келтирди.

Чеклар билан ҳисоб-китоб қилиш ҳақида гапирар эканмиз, аввало, ҳисоб-китобга оид ҳуқуқий муносабатлар асосан бошқа фуқаролик – ҳуқуқий муносабатлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда амалга оширилишини, яъни муайян бир фуқаролик ҳуқуқий муносабатни тартибга солувчи шартноманинг ажралмас шarti бўлиб ҳисобланишини унутмаслигимиз лозим. Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисидаги»ги 1998 йил 29 август қонунининг 10-моддасига кўра хўжалик шартномаси ҳисоб-китоб қилиш тартибини албатта назарда тутиш керак.

Фуқаролик Кодексининг 45-боби ҳисоб-китобларга бағишланган.

«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги қонуннинг 10-,24-,29-34-моддалари бевосита ҳисоб-китобларга бағишланган⁵.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонунларга асосан фармон ва қарорлар чиқарадилар. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларнинг маъсулиятини ошириш борасидаги чоратadbирлар тўғрисида»ги Фармони тўлов интизомини мустаҳкамлаш, ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш, вазирликлар, корпорациялар ва уюшмалар, корхона ва ташкилотлар, банклар раҳбарларининг маъсулиятини ошириш, хўжаликлар банкрот бўлишининг олдини олиш йўллариини ўзида мужассамлаштирган.

Қонун ҳисоб-китобларнинг 2 тури:

1. Нақд пул билан ҳисоб-китоб қилиш;
2. Нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишни назарда тутати.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш деганда, биз пулни қарздор қўлидан кредитор қўлига банк ёки бошқа кредит муассасаси орқали ўтишини тушунамиз. Нақдсиз ҳисоб-китоб қилишда мажбурий иштирокчи банк ёки бошқа кредит муассасасидир. Чунки, ҳисоб-китобларни амалга ошириш банк операциялари ҳисобланиб, бундай фаолият билан фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилган лицензияга эга бўлган кредит муассасалари шуғилланишга ҳақлидирлар. Қонун фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишлари билан боғлиқ бўлмаган ҳолда улар иштирокидаги ҳисоб-китобларни амалга ошириш борасида ҳеч қандай чеклашларни белгиламаган.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги қонуни. Т., 1998.

Юридик шахслар ўртасидаги ҳисоб-китоблар, ундан ташқари фуқаролар иштирокида уларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳисоб-китоблари фақат банк муассасалари орқали нақд пулсиз тартибда амалга оширилади.

Чек икки қисмдан иборат: чекнинг ўзи ва унинг корешоги (милки). Корешокда чекда кўрсатилган суммани тасдиқлаш учун мўлжалланган назорат рақамлари бўлади.

Чекнинг амал қилиш муддати тижорат банклари томонидан мустақил белгиланади. Агар чекнинг амал қилиш муддати тугаши билан у банкка тақдим этилмаган бўлса, чек суммаси махсус баланс ҳисобварағида ҳисобга олинади. Чекнинг амал қилиш муддати тугаши билан унинг эгаси банкка мурожаат қилса, банк чек эгасининг паспорти (ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжати) мавжуд бўлган ҳолда, тўсқинликсиз чекни қабул қилади ва сўндиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-2564-сонли 21 март 2000 йил кунги «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида асосан тижорат банкларига аҳолидан, деҳқон ва фермер хўжаликларидан кишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилувчи тайёрлов ташкилотларига маҳсулот топширувчилар билан ҳисоб-китоб қилиш учун тўзилган шартномаларда кўзда тутилган нархларга ва етказиб бериш муддатларига мувофиқ улардан амалда харид қилинган маҳсулот ҳажмининг 100 фоизи миқдорида нақд пул маблағлари беришга ижозат берилди. Ушбу қарорнинг 6-бандига биноан, фермер ва деҳқон хўжаликлари, кичик ва ўрта бизнес субъектлари (шу жумладан, ўмумий овқатланиш корхоналари), хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар (савдо – воситачилик ташкилотлари бундан мустасно) 90 календар куни даври

мобайнида топширган нақд пул тушуми доирасида ўзларининг банк ҳисобварақларидан нақд пул маблағларини олишга ҳақлидирлар;

Нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш – бу шундай пул мажбуриятики, бунга асосан бир томон – «Ҳақ тўловчи» маълум миқдордаги суммани олинган маҳсулот, бажарилган иш, кўрсатилган хизмат ва бошқалар учун иккинчи томонга – «Кредитор»га кредит муассасалари орқали қонунда ёки банк иш одатида назарда тутилган нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида бирини қўллаган ҳолда ўтказиб беради.

Банклараро ҳисоб-китобларни тезлик билан амалга ошириш мақсадида республиканинг барча ҳудудларидан электрон тўловлар тизими жорий қилинган. Электрон тўлов тизими (ЭТТ) республика ҳудуди бўйлаб тўловларни 15-20 дақиқа, бир ҳудуднинг ичида эса 3-5 дақиқада амалга оширишни таъминламоқда⁶.

Юридик шахслар ўртасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда банк миждозларинг пул маблағларини уларнинг ҳисобварақларида сақлайди, бу ҳисобварақларга келиб тушган маблағларни ҳисоблаб ёзади, ҳисобварақлардан пул маблағларини ўтказиш, бериш ҳақидаги ҳамда банк қоидалари ва банк билан корхона ўртасидаги шартномада кўзда тутилган банкнинг бошқа операциялари бўйича фармойишларни бажаради.

Чекларнинг амал қилиш муддати тижорат банклари томонидан мустақил равишда белгиланади. Агар чек амал қилиш муддатида банкка тақдим қилинмаган бўлса, чек суммаси 29842-«Ҳаракатсиз депозитлар» баланс ҳисобварағида ҳисобга олинади. Чек эгаси амал қилиш муддати тугаган чек билан банкка мурожаат қилган тақдирда, банк қаршиликсиз

6 Положение о ведении расчетов между банками Республики Узбекистан по системе электронных платежей. Зарегистрировано Министерством юстиции Республики Узбекистан от 19 ноября 1998 года № 542.

чек эгасининг паспорти асосида чекни қабул қилиши ва тўлаб бериши лозим.

Чек бўйича пул тўлаган шахс чекнинг тўлов олинганлиги ҳақидаги тилхат билан бирга ўзига берилишини талаб қилишга ҳақли. (ФКнинг 809-моддаси).

Банк ходими ҳисоб-китоб чекини беришда қўйидаги реквизитларни тўлдириши шарт:

- чек берилган сана;
- чек бўйича бериладиган суммани рақамлар ва сўз билан;
- ҳисоб-китоб чекига номи ёзиб берилаётган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми;
- паспортининг серияси ва рақами;
- чек берувчининг депозит ҳисобварағи;
- чек берган банк бўлимининг номи ва коди;
- чек ҳақиқий «КК.ОО.ЙЙЙЙ» гача

Кўрсатилган реквизитлар тўлдирилгач банкнинг маъсул ходими ҳисоб-китоб чекига имзо қуяди ва ҳисоб-китоб чекининг милкини назорат рақамлари жойлашган чизик бўйича чекдан шундай қирқиб ажратадики, бунда кесиш чизиғида қолган сонлар чек суммасига мос келиши лозим ва бу муҳр билан тасдиқланади. Банкка қабул қилинган чеклар бўйича тўловлар қўйидаги тартибда амалга оширилади:

1) чек берувчи ва чек қабул қилувчига битта банкда хизмат кўрсатилганда:

- чек суммаси савдо ташкилотининг ҳисобварақ кредити ва «Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар» ҳисобварағи орқали чек берувчининг ҳисобварағи дебити бўйича ўтказилади. Чекнинг асл нусхаси банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади;

2) чек берувчи ва чек қабул қилувчи бошқа-бошқа банкда хизмат кўрсатилганда:

- чек қабул қилувчининг банки чекда кўрсатилган суммани қабул қилинган чекка асосан чек қабул қилувчининг ҳисобварағига ёзиб беради. Тижорат банкларининг электрон ҳисоб-китоб чеклари электрон тўлов тизими орқали чек берувчининг банкига жўналади. Чекнинг асл нусхаси банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади.

- чек берувчининг банкида чек суммаси электрон ҳисоб-китоб чеки асосида дастурий йўл билан автоматлаштирилган тарзда чек берувчининг иккиламчи ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилади. Электрон чек банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади.

Чек сақловчига хизмат қиладиган банкка тўловни олиш учун чекни инкассога тақдим этиш тўловга тақдим этиш деб ҳисобланади. (ФКнинг 812-моддаси)

Чек бўйича пул тўлашдан бош тортганлик қўйидаги усуллардан бири билан тасдиқланиш керак:

нотариус томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда норозилик билдириш;

пул тўловчи чекка у бўйича пул тўлашдан бош тортганлиги ҳақида белги қўйилиб, чек ҳақ тўлаш учун тақдим этилган санани кўрсатиш;

инкассо қилувчи банкнинг чек ўз вақтида тақдим этилганлиги ва у бўйича пул тўланмаганлиги ҳақида, санансини кўрсатган ҳолда белги қўйиши.

Чек сақловчи пул тўланмаганлиги ҳақида норозилик билдирган ёки шу каби ҳаракат амалга оширилган кундан кейинги икки иш куни мобайнида ўз индосантига ва чек берувчига хабар қилиши шарт.

Ҳар бир индосант билдириш олган кундан кейинги икки иш куни ичида ўзи олган билдириш ҳақида ўзининг (олдинги) индосантига хабар

бериши шарт. Ўша шахс учун овалъ берган шахсга ҳам шу муддатга хабар юборилади. Кўрсатилган муддат давомида хабар юбормаган шахс чек бўйича ўз ҳуқуқларидан маҳрум бўлмайди. У чек бўйича пул тўланмаганлигини хабар қилмагани туфайли келтирилган зарарнинг ўрнини чек суммаси доирасида қоплаши шарт.

Тўловчи чек бўйича тўлашдан бош тортган ва бу ҳол ФКнинг 814-моддасига мувофиқ тасдиқланганида чек сақловчи ўз хоҳишига кўра чек бўйича мажбуриятли бўлган битта, бир нечта ёки барча шахсларга нисбатан даъво қўзғатишга ҳақли бўлиб, улар чек сақловчи олдида солидар жавобгар бўладилар.

Чек сақловчи мазкур шахслардан чек суммасини, чек бўйича пул олишга қилган чиқимларини шунингдек фоизларни ФКнинг 327-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган миқдорда ва тартибда тўлашни талаб қилишга ҳақли. Худди шундай ҳуқуқка чек бўйича пул тўлаши шарт бўлган шахс ҳам чек бўйича пул тўланганидан кейин эга бўлади. Чек сақловчининг даъвоси чекни ҳақ тўлашга тақдим этиш муддати тамом бўлган кундан эътиборан олти ой муддат ичида қўзғатилиши мумкин.

Ҳисоб – китоб чеклари меросхўр ва бошқа шахслардан нотариал идора тасдиқлаган ҳужжат мавжуд бўлган ҳолдагина қабул қилинади, қанча муддат ўтганлигидан қатъий назар. Банк бошқарувчиси ва бош бухгалтери ҳужжатларни текшириб кўргандан кейин чек суммасини тўлаб берилишга руҳсат беради.

3.Чеклар тушунчаси ва моҳияти

Фуқаролик кодексининг 807-моддасида кўрсатилишича, чек берувчининг чекда кўрсатилган суммани чек сақловчига тўлаш ҳақида банкка ҳеч қандай шарт қўйилмаган топшириғи мавжуд бўлган қимматли қоғоз чек дейилади.

Чек билан ҳисоб-китоб қилинганида фақат чек берувчининг чек бериш йўли билан тасарруф этишга ҳақли бўлган маблағлари сақланаётган банкгина чек бўйича пул тўловчи қилиб кўрсатилиши мумкин. Чекни тақдим этиш муддати ўтмагунича уни чақириб олишга йўл қўйилмайди⁷.

Чекнинг берилиши - бажариш учун чек берилган пул мажбуриятини бекор қилмайди. Тўлов муомаласида чеклардан фойдаланиш тартиби ва шартлари ФК ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Шуни унутмаслик лозимки, чекда қуйидагилар бўлиши шарт:

- ҳужжат матнига киритилган "чек" деган ном;
- муайян пул суммасини тўлаш ҳақида тўловчига топшириқ;
- тўловчининг номи ва тўлов қайси ҳисобварақдан амалга оширилиши кераклиги;
- тўлов валютаси;
- чек тузилган сана ва жой;
- чекни ёзиб берган шахснинг - чек берувчининг имзоси.

Ҳужжатда мазкур реквизитлардан биронтасининг бўлмаслиги чекни кучдан маҳрум қилади. Тузилган жойи кўрсатилмаган чек чек берувчи турган жойда имзоланган деб ҳисобланади. Чекнинг шакли ва уни тўлдириш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Чек бўйича пул чек берувчининг маблағлари ҳисобидан тўланади. Чек қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган муддатда тўловга тақдим этилган тақдирдагина у бўйича пул тўланади. Чек бўйича пул тўлаган шахс чекнинг тўлов олинганлиги ҳақидаги тилхат билан бирга ўзига берилишини талаб қилишга ҳақли.

Чек бўйича ҳисоб-китоб муносабатларининг иштирокчилари сифатида: чек берувчи, тўловчи (банк) ва чек сақловчи намоён бўлади.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. /Проф. Х.Рахмонкулов умумий таҳрири остида – Тошкент, «Иқтисодиёт ва ҳуқук дунёси», 1998 й.

Чек билан ҳисоб-китоб қилинганида фақат чек берувчининг чек бериш йўли билан тасарруф этишга ҳақли бўлган маблағлари сақланаётган банкига чек бўйича пул тўловчи қилиб кўрсатилиши мумкин.

Чекни тақдим этиш муддати ўтмагунча уни чақириб олишга йўл қўйилмайди.

Чекнинг берилиши-бажариш учун чек берилган пул мажбуриятини бекор қилмайди. (ФКнинг 807-моддаси).

Ҳисоб-китоб чеки бу мижознинг хизмат кўрсатувчи банкка чек берувчининг ҳисобварағидан чек қабул қилувчининг ҳисобварағига маълум миқдордаги маблағларни ўтказиб бериш учун банкнинг махсус бланкасида банкка берган топшириғидир.

Чек бланкалари буюртмасига кўра, уларнинг фаолияти учун етарли бўлган миқдорда Марказий банк қошидаги «Давлат белгиси» (Госзнак) ишлаб чиқариш корхонасида, Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида низомда белгиланган шаклда тайёрланади.

Ҳисоб-китоб чеклари фақат товар ва хизматлар учун хўжалик субъектлари ва жисмоний шахслар орасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар қилишда қўлланилади.

Ҳисоб-китоб чекининг максимал суммасини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилади, минимал суммаси эса тижорат банклари томонидан мустақил равишда белгиланади.

Банк чек берган жисмоний шахснинг аризасига асосан чекнинг суммасига 20206-«жисмоний шахсларнинг талаб қилингунга қадар депозитлари» баланс ҳисобрақамида алоҳида иккиламчи ҳисобварағи очади ва тўловларни фақат шу ҳисобварақдан амалга оширади.

Чеклар омонат қуувчи жисмоний шахсларнинг депозит ҳисобварақларида сақланаётган маблағлар ҳисобига ёки топширилган нақд пуллар суммасига берилади.

Чек икки қисмдан: ҳисоб-китоб чеки ва милқдан иборат. Ушбу милқ ҳисоб-китоб чекида кўрсатилган суммаларни тасдиқлаш учун белгиланган назорат рақамларини ўз ичига олади⁸.

Чек йўқотилган тақдирда, банк йўқотилган чек бўйича ҳисобварақлардан маблағлар ҳисобдан чиқарилганда жавоб бермайди.

Қонун чек бўйича ҳуқуқларнинг бошқа шахсга ўтказилишга йўл қўяди, лекин эгасининг номига ёзилган чек бошқа шахсга берилиши мумкин эмас. Тўловчи томонидан амалга оширилган индоссамент ҳақиқий ҳисобланмайди. Ўтказма чекда пул тўловчига қилинган индоссамент тўловни олганлик учун тилхат кучига эга бўлади.

Чек бўйича тўлов кафолат (оваль) воситасида тўла ёки қисман кафолатланиши мумкин. Лекин кафилликни ек овалига қўллаб бўлмайди.

Қимматбаҳо қоғозлар фуқаролик ҳуқуқининг умумий меъёрлари билан фақат қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолларда тартибга солинади. Ушбу нуқтаи назардан қараганда чеклар билан ҳисоб-китоб қилишни махсус қонун билан тартибга солиш тўғри бўлади.

4.Чек бўйича тўлов мажбуриятлари

ФКнинг 813-моддасида тўловчининг мажбуриятлари назарда тутилган бўлиб, унга кўра чек бўйича тўловчи чекнинг ҳақиқийлигига, шу жумладан тақдим этувчи чек бўйича вакил қилинган шахс эканлигига ҳам имкониятидаги ҳамма усуллар билан ишонч ҳосил қилиши керак.

Инкассоланган чек бўйича пул тўланганида тўловчи индоссантларнинг имзосини эмас, балки индоссаментлар тўғрилигини текшириши шарт.

⁸ Муаллифлар жамоаси. Фуқаролик ҳуқуқи. 2-қисм. Т., Адолат. 1999.

Сохта, ўғирланган ёки йўқотиб қўйилган чек бўйича тўловчи пул тўлаши оқибатида кўрилган зарар кимнинг айби билан етказилганлигига қараб, тўловчининг ёки чек берувчининг зиммасига юклатилади.

Чек бўйича ҳуқуқлар назарда тутилган қоидаларга риоя қилган ҳолда бошқа шахсга берилади. Эгасининг номи ёзилган чек бошқа шахсга берилиши мумкин эмас. Ўтказма чекда пул тўловчига қилинган индоссамент тўловни олганлик учун тилхат кучига эга бўлади⁹.

Тўловчи томонидан қилинган индоссамент ҳақиқий эмас. Агар индоссамент бўйича олинган ўтказма чекка эга бўлган шахс ўзининг ҳуқуқини узлуксиз (бир-бирини тақозо этувчи) индоссаментлар қатори билан асослаб берса, у ўтказма чекнинг қонуний эгаси деб ҳисобланади.

Чек бўйича тўлов кафолат (аваль) воситасида тўла ёки қисман кафолатланиши мумкин. Авални тўловчидан бошқа ҳар қандай шахс бериши мумкин. Аваль чекнинг олд томонига ёки қўшимча вараққа "аваль деб ҳисоблансин" деган ёзув билан ва у ким томонидан ҳамда ким учун берилганини кўрсатган ҳолда қўйилади. Агар аваль ким учун берилганлиги кўрсатилмаган бўлса, аваль чек берувчи учун берилган ҳисобланади.

Аваль авалчи томонидан имзоланиб, унинг яшаш жойи (турган ери) ва устхат ёзилган сана кўрсатилади. Авалчи у авални ким учун берган бўлса, ўша шахс сингари жавобгар бўлади. Агар авалчи кафолатлаган мажбурият шаклга амал қилмасликдан бошқа ҳар қандай асосларга кўра ҳақиқий бўлмаган тақдирда ҳам, авалчининг мажбурияти ҳақиқий бўлаверади. Чек бўйича пул тўлаган авалчи у кафолат берган шахсга нисбатан ҳам, бу шахс олдида мажбурияти бўлган шахсларга нисбатан ҳам чекдан келиб чиқадиган ҳуқуқларни қўлга киритади.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. /Проф. Х.Раҳмонкулов умумий таҳрири остида – Тошкент, «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 1998 й.

Чек сақловчига хизмат қиладиган банкка тўловни олиш учун чекни инкассога тақдим этиш тўловга тақдим этиш деб ҳисобланади. Чек бўйича ФКнинг 805-моддасида белгилаб қўйилган тартибда пул тўланади.

Инкассоланган чек бўйича маблағларни чек сақловчининг ҳисобварағига киритиш, агар чек сақловчи билан банк ўртасидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тўловчидан тўлов олинганидан кейин амалга оширилади.

5.Чек бўйича пул тўламаслик оқибатлари

Тўловчи чек бўйича пул тўлашдан бош тортган ва бу ҳол ФКнинг 814-моддасига мувофиқ тасдиқланганида чек сақловчи ўз хоҳишига кўра чек бўйича мажбуриятли бўлган битта, бир неча ёки барча шахсларга (чек берувчи, авалчилар, индоссантларга) нисбатан даъво қўзғатишга ҳақли бўлиб, улар чек сақловчи олдида солидар жавобгар бўладилар.

Чек сақловчи мазкур шахслардан чек суммасини, чек бўйича пул олишга қилган ўз чиқимларини, шунингдек фоизларни ФК 327-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган миқдорда ва тартибда тўлашни талаб қилишга ҳақли. Худди шундай ҳуқуққа чек бўйича пул тўлаши шарт бўлган шахс ҳам чек бўйича пул тўлаганидан кейин эга бўлади.

Чек сақловчининг ушбу кўрсатилган шахсларга нисбатан даъвоси чекни ҳақ тўлашга тақдим этиш муддати тамом бўлган кундан эътиборан олти ой мобайнида қўзғатилиши мумкин. Мажбуриятли шахсларнинг бир-бирларига нисбатан даъволари бўйича регресс талаблари тегишли мажбуриятли шахс талабни қондирган кундан ёки унга даъво қўзғатилган кундан бошлаб олти ой ўтгач қопланади.

ФКнинг 814-моддасига кўра чек бўйича пул тўлашдан бош тортганлик қуйидаги усуллардан бири билан тасдиқланиши керак:

-нотариус томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда норозилик билдириш; пул тўловчи чекка у бўйича пул тўлашдан бош тортганлиги ҳақида белги қўйилиб, чек ҳақ тўлаш учун тақдим этилган санани кўрсатиш;

-инкассо қилувчи банкнинг чек ўз вақтида тақдим этилганлиги ва у бўйича пул тўланмаганлиги ҳақида, санасини кўрсатган ҳолда белги қўйиши.

Норозилик ёки шу каби ҳаракат чекни ҳақ тўлаш учун тақдим этиш муддати тугагунча амалга оширилиши керак.

Агар чек муддатнинг охириги кунда тақдим этилган бўлса, норозилик ёки шу каби ҳаракат кейинги иш кунда амалга оширилиши мумкин.

Чек сақловчи пул тўланмаганлиги ҳақида норозилик билдирилган ёки шу каби ҳаракат амалга оширилган кундан кейинги икки иш кун мобайнида ўз индоссантига ва чек берувчига хабар қилиши шарт.

Ҳар бир индоссант билдириш олган кундан кейинги икки иш кун ичида ўзи олган билдириш ҳақида ўзининг (олдинги) индоссантига хабар бериши шарт. Ўша шахс учун аваль берган шахсга ҳам шу муддатда хабар юборилади. Кўрсатилган муддат давомида хабар юбормаган шахс чек бўйича ўз ҳуқуқларидан маҳрум бўлмайди. У чек бўйича пул тўланмаганлигини хабар қилмагани туфайли келтирилган зарарнинг ўрнини чек суммаси доирасида қоплаши шарт.

ХУЛОСА

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётини шакллантириш даврида юзага келаётган қийинчиликлар ҳисоб-китоб тизимининг етарли даражада такомиллаштирилмаганлиги ва бунинг натижасида келиб чиқаётган дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг кескин камаймаётганлиги билан ҳам изоҳланади. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, хўжалик юритувчи субъектлар тўловга қобилиятлилик даражасининг етарлича эмаслиги банкротлик ҳолатига олиб келмоқда.

Жаҳоннинг етакчи давлатлари тажрибаси шуни кўрсатадики, тўлов тизимининг етарли даражада такомиллаштирилмаганлиги, тўловларни амалга оширишда чекловларнинг кўплиги, нақд пуллар билан ҳисоб-китобларга кўпроқ эътибор бермаслик, нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг қулай бўлган аккредитив шаклидан кенг доирада фойдаланмаслик дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлари келиб чиқишининг асосий сабабларидан биридир.

Бозор муносабатларига ўтишдаги муҳим аҳамиятга эга бўлган фуқаролик ҳукуки тамойилларидан бири товарлар, хизматлар ва молиявий маблағлар Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида эркин ҳаракатда бўлишлиги тамойилидир. Ўшбу тамойилнинг нақд пуллар билан ҳисоб-китобларда чекланган тарзда қулланилиши салбий ҳолдир. Жумладан, юридик шахслар ўртасидаги нақд пуллар билан ҳисоб-китоблар, шунингдек фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишлари билан боғлиқ ҳолда улар иштирокидаги нақд пуллар билан ҳисоб-китобларда уларнинг ҳуқуқлари чекланган, яъни уларнинг ўз молиявий маблағларини эркин тасарруф қилиш ҳуқуқи чекланган. Банклар уларни нақд пуллар билан ҳисоб-китоб қилишларида доимий назорат қилиб турадилар. Бу банкнинг юридик шахс фаолиятига доимий аралашувини

келтириб чиқаради. Шунингдек бу ҳолат нақд пуллар билан нақд бўлмаган пуллар қиймати ўртасида номуносиблик юзага келтирмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

РАЎБАРИЙ АДАБИЁТЛАР:

1. **И.А.Каримов** «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари». Тошкент, «Ўзбекистон», 1995й.
2. **И.А.Каримов** «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида». Тошкент, «Ўзбекистон», 1995й.
3. **И.А.Каримов** «Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз». Тошкент, «Ўзбекистон», 2000й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси марказий банки тўғрисида»ги Қонуни, 1995йил 21 декабр.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 1996 йил 25 апрел.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий- ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонуни 1996 й.
6. Ўзбекистон Республкаси Президентининг ПФ-1154 сонли 12 май 1995 йил кунги «халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиш учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-1988 сонли 24 январ 1996 йил кунги «Тўлов интизоми ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президетининг ПФ-1504 сонли 09 август 1996 йил кунги «Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик

юритувчи субъектлар жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-1923 сонли 04 феврал 1998 йил кунги «Ҳисоб-китоб механизмини такомиллаштириш ҳамда республика ва маҳаллий бюджетларги тўловлар тушишини тартибга солиш тўғрисида»ги фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 26 январ кунги 21-сонли «Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни меъёрлаштириш, улар ўз вақтида ўтказилиши ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш учун жавобгарликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 сентябр кунги 404-сонли «Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни такомиллаштириш ва корхоналар айланма маблағлари сақланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 195-сонли «Тижорат банкларининг кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришда доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида Низом. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 8 октябрда 496-сонли билан рўйхатга олинган.

МАҲСУС АДАБИЁТЛАР:

1. Гражданское право. Учебник. Часть 2. /Под ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого.-М. «ПРОСПЕКТ» 1997 г.

2. Йоффе О.С. Обязательственное право. М.Юрлит.1975 й.

3. Комментарий к Гражданскому Кодексу Российской Федерации части второй (постатейный). /под ред. проф. О.Н.Садикова.-М. Инфра-М, 1999г.

4. Комментарий к части второй Гражданскому Кодексу Российской Федерации. -М. «Фирма Гардарика», 1996г.

5. Коментарий к Гражданскому Кодексу Российской Федерации части второй (постатейный). - Москва, «Инфра-М-Норма», 1997г.
6. О.Окюлов. Фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик асослари. Т., Қонун ҳимояси остида. 1998 й.
7. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ҳуқуқи. Масус қисм. Проф. Х.Раҳмонкулов ва Ю.Ф.Д. Ўзбекистонда хизмат курсатган юрист, ТДЮИ «Фуқаролик ҳуқуқи» кафедраси мудири Икром Зокировларнинг умумий таҳрири остида. Тошкент, «Адолат», 1999 й.
8. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. /Проф. Х.Раҳмонкулов умумий таҳрири остида – Тошкент, «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 1998 й.